

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХИТОВ ШАХБОЗ РОВШАН ЎҒЛИ

ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИК ТИЗИМИДА КОНТЕЙНЕР
ТЕРМИНАЛЛАРИ ВА ТЕРМИНАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УЎК 656.2 + 656.073.2

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Абдувахитов Шахбоз Ровшан ўғли

Транспорт логистик тизимида контейнер терминаллари ва
терминал технологияларини такомиллаштириш..... 3

Абдувахитов Шахбоз Ровшан угли

Совершенствование контейнерных терминалов и терминальных
технологий в транспортных логистических системах..... 21

Abduvakhitov Shakhboz Rovshan ugli

Improving container terminals and terminal technologies in transport
logistics systems 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

АБДУВАХИТОВ ШАХБОЗ РОВШАН ЎҒЛИ

**ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИК ТИЗИМИДА КОНТЕЙНЕР
ТЕРМИНАЛЛАРИ ВА ТЕРМИНАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1701 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashiit.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Илесалиев Дауренбек Ихтиярович
техника фанлари нозоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Худайберганов Кобилжон Тахирович
техника фанлари доктори, профессор

Мирхамидов Шухрат Шавкатович
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “10” 07 соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (012 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2020 йил «03» 07 кунни тарқатилди.
(2020 йил «03» 07 даги 013 рақамли реестр баённомаси).



А.Э. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Н.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юкларни контейнерларда ташишни амалга ошириш ва ушбу юк оқимларини транспорт йўлаклари орқали белгиланган вақт меъёрларида етказиб бериш тизимларини ривожлантириш ҳамда контейнерларга хизмат кўрсатувчи логистика марказларида терминал технологияларини такомиллаштириш масалалари етакчи ўрин эгалламоқда. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан Хитой, АҚШ, Япония, Сингапур, Австралия, БАА, Жанубий Корея, Нидерландия каби давлатларда ресурсларга бўлган талабнинг ортиши натижасида юкларни турли транспорт воситалари ёрдамида денгиз ва қуруқлик орқали контейнерларда ташишнинг мультимодал технологияларини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Шу жиҳатдан қуруқлик орқали контейнерларни транзит йўлаклардан бутлиги ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда ташишни ташкил қилишда контейнер терминаллари сиғимидан ва қайта ишлаш қобилиятидан унумли фойдаланиш ҳамда терминалларда бажариладиган технологияларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда темир йўл ва автомобиль транспортидаги контейнер майдонлари сиғимини оптималлаштириш ва терминал технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан замонавий шарт-шароитларда контейнер терминаллари майдони сиғими ва қайта ишлаш қобилиятининг математик моделини яратиш, Марк тасодифий жараёнларининг математик аппаратини қўллаган ҳолда графлар назарияси орқали транспорт оқимларини рационал режалаштириш учун ортиш-тушириш машиналари тури асосида контейнер терминалининг параметрик қаторларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, транспорт оқимларини рационал режалаштиришнинг математик моделларини ишлаб чиқиш, ташкил этиш ва бошқариш учун контейнер терминалларининг қайта ишлаш қобилияти ва терминал технологияларининг оптимал параметрларини ҳисоблаш дастурий таъминотини яратиш ҳамда контейнер терминаллари тавсифларини танлаш усулини ишлаб чиқиш зарур вазифалардан биридир.

Республикамизда транспорт соҳасини ривожлантириш, жумладан темир йўл тизимида турли хилдаги юк ташишларнинг технологик жараёнларини бошқаришни ва назорат қилишни амалга оширадиган ҳамда соддалаштирадиган янги технология турларини ишлаб чиқиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сиғимини қисқартириш, ...йўл-транспорт инфратузилмасининг янада ривожланиши, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”

каби вазифалар белгилаб берилган¹. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан контейнер оқимларидан келиб чиқиб, терминал майдонларининг рационал сиғими ва қайта ишлаш қобилиятини аниқлашнинг автоматлаштирилган усулларини яратиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни (1999 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон Фармонлари, 2015 йил 6 мартдаги “2015-2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Транспорт-технологик тизимлардаги контейнер терминаллари параметрларининг рационал кўрсаткичларини аниқлашни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар, дунё бўйича етакчи илмий марказ ва олийгоҳларда, жумладан Fontys University of Applied Sciences (Нидерландия), Hong Kong Polytechnic University (Хитой), Dimensions International College (Сингапур), University Kuala Lumpur (Малайзия), University of Tasmania (Австралия), С.О. Макаров номидаги дарё ва денгиз флоти давлат университети (Россия), Петербург давлат темир йўл университети (Россия) ва Ростов давлат темир йўл университети (Россия), Узоқ Шарқ давлат темир йўл университети (Россия) ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Транспорт логистик тизимларида контейнер терминалларини яратиш назариясининг ривожланиш масалалари бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан Г.П. Гриневич, О.Б. Маликов, А.С. Балалаев, Н.П. Берлин, Х.Т. Туранов, А.В. Кириченко, А.Н. Рахмангулов, А.Л. Кузнецов, С. Serban, К.Н. Kim, J. Luo, Y. Wu, A. Halldorsson, X. Song, D. Steenken, S. Vob, R. Stahlbock, C. Caballini, C. Pasquale, S. Siri, S. Sacone ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Юртимизда транспорт логистика тизимларида контейнер терминаллари ва у орқали ташишларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони

ташқил этиш масалаларини хал этишга қаратилган тадқиқотлар Н.Н. Ибрагимов, К.Т. Худайберганов, С.М. Джумабаев, Э.Т. Туйчиев, М.Х. Расулов, О.С. Турдиматов, С.К. Худайберганов, Ж.Р. Кобулов, К.А. Журабоев, Д.И. Илесалиев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Бирок, логистиканинг ривожланиш даражаси бўйича контейнер терминалларининг таснифланиши ва ҳар бир алоҳида технологик участканинг зарурий сиғимини аниқлаш масаласи тўлиқ кўриб чиқилмаган.

Шунингдек юк оқимидан келиб чиқиб, замонавий ортиш-тушириш машиналари ёрдамида контейнер терминаллари сиғимини ва қайта ишлаш қобилиятини ҳисоблашнинг мавжуд усулини такомиллаштириш ва унификациялаш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг №ЎБВ-Атех-2018-221-сон “Универсал контейнерларда дон маҳсулотларини ташишнинг инновацион технологиялари” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади транспорт логистик тизимида контейнер терминаллари ва терминал технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

контейнер терминалларининг замонавий ҳолати ва сиғими масалаларини, шунингдек контейнер терминалларининг тизими орқали темир йўл ва автомобиль транспортининг ўзаро ҳамкорлигини тадқиқ қилиш;

контейнер терминалларини мураккаб техник тизим сифатида параметрик тавсифлаш ва тадқиқ қилиш;

ортиш-тушириш машиналарининг турига боғлиқ ҳолда контейнер терминаллари параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи математик моделларни такомиллаштириш;

темир йўлда контейнер терминалининг қайта ишлаш қобилиятини ва терминал технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ контейнер терминалларидаги темир йўл ва автомобиль транспорти ҳамкорлиги тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети контейнер терминалларининг сиғими ва қайта ишлаш қобилияти ҳамда терминал технологиялари ташқил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида эҳтимоллар назарияси, тизимли таҳлил, Марк тасодифий жараёнларининг математик аппарати усуллари, омбор тизимлари, транспорт логистикаси ва алгоритмлар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марк тасодифий жараёнларининг математик аппарати асосида терминал ичидаги транспортнинг зарурий сонини аниқлаш учун транспорт турлари ўзаро ҳамкорлигининг янги моделлари ишлаб чиқилган;

ортиш-тушириш машиналари турини рационал танлаб олиш асосида транспорт оқимини оптимал режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш учун контейнер терминали параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи математик моделлар такомиллаштирилган;

келажакда транспорт оқимларини рационал режалаштириш учун контейнер терминалининг параметрик қаторларини тузиш усули ортиш-тушириш машиналари тури асосида аниқлаган;

транспорт оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш учун ишлаб чиқилган усуллар асосида контейнер терминалларининг қайта ишлаш қобилияти ва терминал технологиялари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нотўғри лойиҳавий ечимларнинг олдини олиш мақсадида темир йўл транспортида контейнер терминалларининг оптимал сиғими ва қайта ишлаш қобилиятини аниқлаш жараёнини автоматлаштириш моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

транспорт турлари ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида контейнер терминали технологик участкаларининг заруратига боғлиқ равишда ортиш-тушириш машиналари паркиннинг қуввати ва рационал тузилишининг усули такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган тадқиқотда замонавий усуллардан фойдаланилганлиги, ортиш-тушириш машиналарини таҳлил қилиш орқали контейнер терминалларининг қайта ишлаш қобилияти ва сиғими кўрсаткичлари олиб борилган тадқиқот натижалари билан мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ортиш-тушириш машиналарининг турига боғлиқ ҳолда контейнер терминаларидаги асосий сақлаш участкаси параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифлайдиган контейнерларни қайта ишлашнинг рационал технологияси усулларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган дастурий таъминотлар асосида замонавий ортиш-тушириш машиналари учун контейнер терминалини унинг рационал параметр кўрсаткичларини аниқлаш орқали қайта ишлаш қобилияти ва сиғими самарадорлигининг оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Транспорт логистик тизимида контейнер терминаллари ва терминал технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ортиш-тушириш машиналари турини рационал танлаб олиш асосида транспорт оқимини оптимал режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш учун контейнер терминали параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи математик моделлар ва алгоритмлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош

бошқармаси”га жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2079-20-сон маълумотномаси). Натижада турли шароитлардаги майдонларда жойлашган контейнерларнинг сонини 20%гача ошириш, контейнерларни терминалларда қайта ишлашда логистик харажатларни камайтириш, кўшимча контейнер оқимини жалб қилиш ҳисобига даромадни ошириш ва транзит ташишларни кўпайтириш имкони яратилган;

Марк тасодифий жараёнларининг математик аппарати асосида терминал ичидаги транспортнинг зарурий сонини аниқлаш учун транспорт турлари ўзаро ҳамкорлигининг янги моделлари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ контейнер терминалига жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2079-20-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижасида юк қабул қилувчилар ва жўнатувчиларга кўрсатиладиган транспорт хизматларининг сифатини сезиларли даражада яхшилаш, ортиш-тушириш машиналарини механизациялаш даражасини ошириш ва логистик харажатларни камайтириш имкони яратилган;

транспорт оқимларини тўғри режалаштириш ва бошқариш учун ишлаб чиқилган усуллар асосида контейнер терминалларининг қайта ишлаш қобилияти ва такомиллаштирилган терминал технологиялари “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ контейнер терминалига жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 8 июндаги 01/2079-20-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида контейнер терминалининг қайта ишлаш қобилиятини ошириш, контейнер терминалидаги бир контейнер-операциясининг таннархини камайтириш, ортиш-тушириш машиналарининг бўш туриш вақтини минималлаштириш, кўшимча контейнер оқимини жалб қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 11 та мақола хорижий ва 6 та мақола республика илмий журналларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола чоп этилган. Бундан ташқари, ЭҲМ дастури учун 4 та гувоҳнома мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва заруратининг асосланганлиги, Ўзбекистон Республикасининг фан ва

технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқ асосий мақсад ва вазифаларнинг, шунингдек объект ва предметларнинг тавсифи, илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, чоп этилган илмий ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Контейнер терминаллари сиғими муаммосининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида темир йўл транспортида контейнер терминалларининг ривожланиши ва замонавий ҳолатининг таҳлили келтирилган. Таҳлил асосида транспорт логистика тизимларида контейнер терминалларини ва терминал технологияларини такомиллаштириш зарурлиги хулоса қилинган. Бугунги кунда контейнерларни вагонлардан туширишда ортиқча вақт сарфланиши кўплаб кузатилмоқда, бу эса ушбу вагонларнинг технологик танқислигига олиб келмоқда. Ўзбекистондаги контейнер терминаллари 2025 йилда башорат қилинган контейнер оқимини қайта ишлай олиш қобилиятига эга эмас. Ушбу вазиятнинг юзага келиш сабабларидан бири – контейнер терминаллари бўйича талаб этилган сиғимнинг аниқ ҳисоблари етарли даражада эмаслигида. Мавжуд адабиёт манбаларининг таҳлили контейнер терминали сиғимини аниқлаш бўйича усулларнинг хилма-хиллигини кўрсатади. Аммо ушбу ҳисоблаш усулларининг камчилигидан бири майдон, контейнер ва ортиш-тушириш машиналари параметрларининг ўзаро таъсири тавсифининг мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Хорижий адабиётларда контейнер терминалларининг сиғимини аниқлашда ягона ёндашувнинг йўқлиги, шунингдек, тадқиқотлар асосан сув ва ер усти транспортининг ўзаро ҳамкорлиги муаммоларига йўналтирилганлигини кўриш мумкин.

Замонавий ривожланган контейнер терминалларининг асосий тамойиллари: Ўзбекистон шароити учун нисбатан янги ортиш-тушириш машиналарини қўллаш, тахлаш баландлигини сезиларли даражада ошириш, майдонларнинг сиғимидан максимал даражада фойдаланиш, транспорт-омбор ва мос ортиш-тушириш машинасининг технологиясини ишлаб чиқиш, ахборот технологияларини кенг қўллаш.

Контейнер терминалларининг сиғимини ва қайта ишлаш қобилиятини ҳисоблашнинг амалдаги усуллари мавжуд ушбу хилма-хилликларнинг мумкин бўлган вариантларни инобатга олмайди ва қоидага кўра, элементар майдонларни аниқлашга олиб келади. Контейнер терминалининг сиғимини аниқлашда контейнер, ортиш-тушириш машиналари ва контейнер майдони барча параметрларининг ўзаро таъсири етарли даражада инобатга олинмайди. Шунингдек, танланган параметрлар ва контейнерларни жойлаштириш схемалари зарурий даражада илмий асосланмаган. Буларнинг барчаси транспорт воситаларнинг юк операцияларида муддатдан ортиқ туриб қолишига олиб келади. Бундан ташқари, бажарилган тадқиқотлар сўнгги йилларда республикамизда транспорт инфратузилмасининг жадаллик билан ривожланишини кўрсатади, аммо шу кунгача контейнер терминаллари транспорт логистика тизимларида “тор жой” бўлиб қолмоқда (1-расм).

Бажарилган таҳлиллар контейнер терминалини бир ҳолатдан бошқа


ҳолатга ўтувчи мураккаб техник тизим эканлигини кўрсатди. Шунга кўра, контейнер терминаллари тадқиқ қилиш тизимли таҳлил асосида амалга оширилган.

Иккинчи боб “**Контейнер терминалини мураккаб техник тизим сифатида тадқиқ этиш**” деб номланиб, омбор тизимининг назарияси асосида темир йўл транспортидаги контейнер терминаллари тизимли таҳлиliga бағишланган. Омбор тизимининг назариясига мувофиқ мураккаб техник тизим сифатида контейнер терминалини яратиш ва унинг ишлаш жараёнидаги асосий ҳолатлар куйидагилар ҳисобланади:


1. Темир йўл ва автомобиль транспорти кесишмаси жойида контейнер терминаллари яратишдан мақсад – олтига асосий ресурсни (макон, вақт, материал, энергия, меҳнат ва маблағ) тежаш йўли билан контейнер оқимининг параметрларини қайта тузиш;

2. Технологик участкаларнинг элементлари мавжудлиги (контейнерларни асосий сақлаш майдони, ортиш-туширишнинг автомобиль майдони, ортиш-туширишнинг темир йўл майдони, контейнер терминалини бошқариш майдони ва терминал ичидаги транспорт);

3. Элементлар ўртасидаги боғлиқлик нуқтаи назаридан контейнер терминалининг тузилиши. Бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш даврида контейнер терминаллари тузилишининг ўзгаргани тадқиқот давомида аниқланди. Божхона декларациялаш, божхона тўловларини миждан ҳисоблаш ва тўлаш, шунингдек бошқа турдаги божхона хизматларини амалга оширадиган божхона участкаси элементи қўшилган (2-расм).



1-расм Транспорт-логистик тизимидаги элементларни ўтказиш қобилиятининг шартли схемаси:
 $\{N_n\}$, $\{N_o\}$ – мувофиқ равишда контейнер оқимининг кирувчи ва чиқувчи параметрлари




2-расм. Элементлар бўйича контейнер терминалининг тузилиши: T_{np} , T_{om} – мувофиқ равишда келадиган ва жўнатиладиган транспорт; автомобил ОТУ ва темир йўл ОТУ – мувофиқ равишда автомобиль ва темир йўл ортиш-тушириш участкаси; КТБУ – контейнер терминалини бошқариш участкаси; 1-7 – терминал ичидаги транспорт

Диссертация ишида терминал ичидаги транспорт элементи сифатида контейнер терминалининг сиғими ва қайта ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатувчи параметрлар бўйича қуйидаги ортиш-тушириш машиналарининг турлари тадқиқ этилган: порталли автоюклагич (SC), чорпояли пневмоғилдиракли кран (RTG), ричстакер (RS), чорпояли контейнерли кран (RMG);

4. Барча элементлар ва тизим тузилишининг ўзаро таъсири жараёнида контейнер терминалининг қўйилган мақсадга эришиш учун қаратилган фаолияти амалга оширилади. Турли хил транспортларнинг келиши ва жўнаши билан ифодаланадиган контейнер терминалининг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси жараёнида тизим бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтади.

Бундай хусусиятга эга контейнер терминалларининг фаолиятини таҳлил қилиш учун диссертация ишида узлуксиз вақт билан Марк тасодифий жараёнларининг математик аппарати қўлланилган. Бунга кўра тадқиқ этилган контейнер терминаллари W_1, W_2, W_3, W_4 ҳолатдаги физик тизим, W сифатида кўриб чиқилган бўлиб, бунда ҳолатларнинг ўзгариши фақат t_1, t_2, \dots, t_k вақтда бўлиши мумкин. Контейнер терминалида содир бўладиган тасодифий жараён вақт кетма-кетлигида тизимнинг қуйидагича тус олишидан иборат: $W_1 \rightarrow W_2 \rightarrow W_4 \rightarrow W_1, \dots, t$ вақтда контейнер терминали тизими W_1, W_2, W_3, W_4 ҳолатда бўлиш $P_i(t)$ эҳтимоли тўлиқ гуруҳни ташкил этади. λ_{ij} га ўтиш эҳтимолининг зичлиги деб, Δt вақт оралиғида W_i ҳолатдан W_j ҳолатга ўтиш эҳтимолининг Δt оралиғига бўлган нисбатнинг чегарасига айтилади. 3-расмда ҳолатларнинг ва ўтишларнинг граф белгиланиши акс эттирилган.



3-расм. Узлуксиз вақт жараёнида контейнер терминалининг граф ҳолати.

Колмагоров усулини қўллаш ёрдамида контейнер терминали ҳолати ўзгаришининг дифференциал тенглама тизимлари тузилди:

$$\left\{ \begin{aligned} \frac{dP_1(t)}{dt} &= -\lambda_{12}P_1(t) - \lambda_{13}P_1(t) - \lambda_{14}P_1(t) + \lambda_{21}P_2(t) + \lambda_{31}P_3(t) + \lambda_{41}P_4(t) = \\ &= -P_1(t) \cdot (\lambda_{12} + \lambda_{13} + \lambda_{14}) + \lambda_{21}P_2(t) + \lambda_{31}P_3(t) + \lambda_{41}P_4(t); \\ \frac{dP_2(t)}{dt} &= -\lambda_{21}P_2(t) - \lambda_{23}P_2(t) - \lambda_{24}P_2(t) + \lambda_{12}P_1(t) + \lambda_{32}P_3(t) + \lambda_{42}P_4(t) = \\ &= -P_2(t) \cdot (\lambda_{21} + \lambda_{23} + \lambda_{24}) + \lambda_{12}P_1(t) + \lambda_{32}P_3(t) + \lambda_{42}P_4(t); \\ \frac{dP_3(t)}{dt} &= -\lambda_{31}P_3(t) - \lambda_{32}P_3(t) - \lambda_{34}P_3(t) + \lambda_{13}P_1(t) + \lambda_{23}P_2(t) + \lambda_{43}P_4(t) = \\ &= -P_3(t) \cdot (\lambda_{31} + \lambda_{32} + \lambda_{34}) + \lambda_{13}P_1(t) + \lambda_{23}P_2(t) + \lambda_{43}P_4(t); \\ \frac{dP_4(t)}{dt} &= -\lambda_{41}P_4(t) - \lambda_{42}P_4(t) - \lambda_{43}P_4(t) + \lambda_{14}P_1(t) + \lambda_{24}P_2(t) + \lambda_{34}P_3(t) = \\ &= -P_4(t) \cdot (\lambda_{41} + \lambda_{42} + \lambda_{43}) + \lambda_{14}P_1(t) + \lambda_{24}P_2(t) + \lambda_{34}P_3(t). \end{aligned} \right. \quad (1)$$

(1) тизимни ечиш $P_1(t)$, $P_2(t)$, ... ҳолатнинг эҳтимоллигини аниқлашга ёрдам беради.

Контейнер терминалининг ҳолатини ва ўтишини тадқиқ қилиш, терминал ичидаги транспортнинг зарурий сонини аниқлаш учун турли хилдаги транспорт турлари ҳамкорлигининг моделини ишлаб чиқиш имконини берди.

Учинчи боб **“Контейнер терминалларининг математик баёни ва тавсифларини тадқиқ этиш”** деб номланиб, контейнер терминалининг параметрик кўрсаткичи босқичида уларнинг умумий ва локал параметрларининг тизимлаштирилиши бажарилган.

Қайта ишлаш қобилияти E контейнер терминалининг бошқарувчи параметри бўлиб, майдоннинг эни x , узунлиги y , тахлаш баландлиги z , контейнер айланмаси η ва контейнер сақлаш муддати τ бўйича сиғадиган контейнерларнинг сони орқали аниқланади.

E , x , y , z , η ва τ ўзгарувчилари ўртасида маълум функционал боғлиқлик мавжуд бўлганлиги учун E ни x , y , z , η ва τ лар орқали ифодалаш мумкин бўлиб, бунда қўйилган масала ушбу ифодаларнинг рационал қийматларини аниқлашга қаратилади. Бунда қайта ишлаш қобилияти E ни оптималлаштириш масаласини қуйидагича шакллантириш мумкин: кирувчи контейнер оқимининг берилган тавсифи учун шундай x , y , z ва τ ларни топиш керакки, E нинг оптималлаштириш мезонларини максимумга олиб келсин, яъни:

$$E = f(x, y, z, \tau) \rightarrow \max, \quad (2)$$


бунда x , y , z ва τ ўзгарувчиларига, чегараловчи тизим қўйилиши керак:

$$\left. \begin{aligned} \varepsilon \left\{ \frac{E}{y \cdot z \cdot \eta} \right\} &\leq x \leq x_{\max} \\ \varepsilon \left\{ \frac{R}{x \cdot z} \right\} &\leq y \leq y_{\max} \\ z_{\min} &\leq z \leq z_{\max} \\ \tau_{\min} &\leq \tau \leq \frac{365}{\eta} \end{aligned} \right\}, \quad (3)$$

бунда R ва $R=x \cdot y \cdot z$ (конт) орқали аниқланади.

x_{\min} ва y_{\min} қийматлари, контейнерларни сақлаш муддати τ ни ҳисобга олган ҳолда маълум контейнер оқими учун минимал талаб этилган сиғим билан аниқланса, максимал қиймат эса ажратилган майдон билан аниқланади. z қиймати ортиш-тушириш машинасининг техник тавсифига боғлиқ, $z_{\min} = 1$ конт. Физик мазмундан келиб чиққан ҳолда, $\tau_{\min} = 1$ суткага тенг.

Қайта ишлаш қобилияти E ни оптималлаштириш масаласи, ортиш-тушириш машиналарининг рационал турини танлаш асосидаги контейнер терминали параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи математик моделларни такомиллаштириш имконини берган.



4-расм. Контейнер терминалидаги контейнерлар жойлашувининг тузилиш схемалари (вариантларнинг қисми)

Чорпояли контейнерли кран билан жиҳозланган контейнер терминаларида жойлашган контейнерларнинг барча мумкин бўлган жойлашиш схемалари 4-расмда келтирилган, шунингдек майдон, контейнерлар ва ортиш-тушириш машиналари параметрлари ўзаро боғлиқлигининг математик таснифи келтириб ўтилган.

Чорпояли контейнерли кран билан жиҳозланган контейнер терминали учун майдоннинг эни бўйича жойлашган контейнерларнинг сони умумий кўринишдаги формула бўйича аниқланган:

$$x = \varepsilon \left\{ \frac{L_n - 2 \cdot (b_m + b_0) - n_{ж} \cdot b_2 - n_a \cdot b_a}{(b_{конт} + \lambda)} \right\}, \text{ конт.} \quad (4)$$


бу ерда, L_n – RMG кран пролётини, м; b_m – RMG крани юривчи аравачасининг габарити, м; b_0 – энг четдаги контейнернинг ва RMG крани юривчи аравачасининг энг кўп чиқиб турган қисми ўртасидаги хавфсизлик тирқиши, м; 2 – RMG крани юривчи ғилдиракли таянчининг ва ораликдаги контейнерларнинг (икки томонлама) тахлами ўртасидаги тирқишлар сони; $(b_{конт} + \lambda)$ – тирқишни ҳисобга олган ҳолда контейнерлар ўртасидаги эни, м; $n_{ж}$ – кран пролётига олиб кирилган темир йўлларнинг сони; b_2 – қурилмаларнинг яқинлашиш габарити C_n бўйича ўлчамлар; n_a – кран пролётига олиб кирилган автойўлакларнинг сони; b_a – автомобиль ортиш-тушириш участкасининг эни, м.

Чорпояли кран билан жиҳозланган майдоннинг узунлиги бўйича контейнерларнинг сони қуйидаги формула орқали аниқланади:


$$y = \varepsilon \left\{ \frac{L - 2 \cdot l_{зах} - n \cdot l_{пр}}{(l_{конт} + \omega)} \right\}, \text{ конт.} \quad (5)$$

бу ерда L – терминалдаги технологик участканинг узунлиги, м; 2 – майдоннинг захиралари сони; $l_{зах}$ – краннинг контейнер этак қисмида яқинлашиши учун майдон узунлигининг захираси; n – ёнғинга қарши кўндаланг йўлакларнинг сони; $l_{пр}$ – контейнерлар ўртасидаги кўндаланг йўлакларнинг эни, м; $(l_{конт} + \omega)$ – контейнерларнинг орасидаги тирқишлари билан контейнер узунлиги, м.

Баландлиги бўйича тахланадиган контейнерларнинг каторлар сони, краннинг техник тавсифидан келиб чикиб қабул қилинган (5-расм).



5-расм. Контейнер майдонининг эни ва узунлигига сифимнинг боғлиқлиги



6-расм. Чорпояли контейнерли кран билан жиҳозланган контейнер терминалининг сифими ва қайта ишлаш қобилиятини аниқлаш алгоритми

Шунингдек, ушбу бобда, турли хил ортиш-тушириш машиналари билан жиҳозланган контейнер терминаллариининг ҳар бир варианты учун турли хил

параметрлар боғлиқлигининг математик моделлари такомиллаштирилган. Тадқиқот доирасида сақлаш участкасининг сигимини аниқлаш алгоритми таклиф этилган (6-расм). Ушбу алгоритм қуйидаги асосий операциялардан иборат: контейнер сақлаш майдонининг параметрларини киритиш, ортиш-тушириш машиналарининг параметрларини ва бошқа параметрларни киритиш; сақлаш участкасининг баландлиги, эни ва узунлиги бўйича контейнерларнинг сигимини ҳисоблаш; терминалнинг сақлаш участкасида контейнерларнинг умумий сонини аниқлаш; бир йилда қайта ишлай оладиган контейнер оқимини аниқлаш.

Алгоритмлар асосида, турли хил ортиш-тушириш машиналари ((SC) порталли автоюклагич (RTG) чорпояли пневмоғилдиракли кран, (RS) ричстакер, (RMG) чорпояли контейнерли кран) билан жиҳозланган контейнер терминалининг ҳар бир варианты учун дастурий таъминот ишлаб чиқилган бўлиб, ЭХМ учун дастурнинг расмий рўйхатдан ўтганлиги ҳақида гувоҳнома олинган. Дастурий таъминот асосида, мумкин бўлган вариантлар учун ортиш-тушириш машиналарига боғлиқ ҳолда контейнер терминалининг параметрик қатори шакллантирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Чорпояли кран билан жиҳозланган ҳар хил параметрли контейнер терминалининг параметрик қатори (жадвалнинг бир қисми)

<i>L</i>	<i>z</i>	<i>x</i>	<i>y</i>					<i>R</i>				
			10 <i>ft</i>	20 <i>ft</i>	30 <i>ft</i>	40 <i>ft</i>	45 <i>ft</i>	10 <i>ft</i>	20 <i>ft</i>	30 <i>ft</i>	40 <i>ft</i>	45 <i>ft</i>
200	3	11	55	29	19	14	13	1815	957	627	462	429
250	3	11	69	36	24	18	16	2277	1188	792	594	528
300	3	11	84	44	29	22	20	2772	1452	957	726	660
350	3	11	98	51	34	26	23	3234	1683	1122	858	759
400	3	11	113	58	39	30	26	3729	1914	1287	990	858

Мавжуд контейнер терминаллари қайта қуришда ёки янги контейнер терминаллари лойиҳалашда диссертация ишида ишлаб чиқилган параметрик қатордан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.


Тўртинчи боб **“Контейнерларни қайта ишлашнинг рационал технологиясини яратишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш ва контейнер терминаллари такомиллаштириш бўйича техник-иқтисодий самара”** деб номланган бўлиб, *Party Logistic* логистика сервисининг 5 та даражасига мувофиқ контейнер терминаллари таснифлаш таклиф этилган (2-жадвал).

Логистиканинг ривожланиш даражаси бўйича контейнер терминаллари таснифланишини қўллаш, тақдим этилаётган транспорт-омбор хизматларининг яхшиланишига, ташувчи компанияларнинг ва операторларнинг рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, контейнерларнинг қайта ишлаш таннархининг пасайишига олиб келади.

Логистика ривожланиш даражасига мувофиқ контейнер терминаллари таснифи

№	КТнинг функциялари	Таснифлашнинг қўшимча мезонлари	
		Мажбурий	Исталган
1PL	Ушбу контейнер майдони, юк эгаси фақат ўзининг эҳтиёжлари учун ортиш-тушириш ишларини бажариши билан тавсифланади	Очиқ майдонча; АВТО ОТУ ва ТЙ ОТУ; катта ҳажмли автомобиллар учун автоўлаклар ва б.	Катта ҳажмли автомобиллар тўхтаб туриш жойи; енгил автомобиллар тўхтаб туриш жойи ва б.
2PL	Контейнер терминали контейнерларни бир транспорт туридан бошқа транспорт турига қайта ортиш, шунингдек сақлаш бўйича хизматларни кўрсатиши билан тавсифланади	ИСО стандарти контейнерларининг алмашилиш парки; КТнинг ишини бошқариш диспетчерлик пункти ва б.	Механизация воситалари ва зарурий жиҳозларга эга контейнерларни таъмирлаш майдончаси
3PL	Контейнер терминали қайта ортиш операцияларини бажариш имкониятидан ташқари юкларни экспедициялаш бўйича хизматларни ҳам тақдим этади	КТБТА; контейнерли жўнатмаларни сақлаш ва йиғиш учун ёпик омбор ва б.	RFID технология контейнерлар ҳаракати назоратининг автоматлаштирилган тизимини қўллаш
4PL	Юк терминаллари, турли хил логистика операцияларини бажариш учун мўлжалланган бўлиб, шунингдек контейнерли поездларни ташкил этиш мақсадида бошқа терминаллар билан битта фирмада бирлашиши мумкин	Қайта тузилган контейнерли жўнатмаларни сақлаш ва бутлаш учун ёпик омбор	Internet of Things технологияси ёрдамида тармоқ контейнер терминаллари, транспорт воситалари ва контейнерларнинг ташиш занжиридаги ҳамкорлиги
5PL	4PL-провайдери тадбиркорлик бўйича хизмат кўрсатса, бунда у 5PL-операторига айланади		

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган контейнер терминаллари таҳлил қилишда, божхона текширувини кутишнинг даражаси бўйича импорт контейнерларни гуруҳларга бўлиш мумкинлиги аниқланди. Бунга кўра, контейнер терминалларида вақт бўйича мавжуд контейнерларнинг бўлинишини кўзда тутувчи (аҳамиятлилик даражаси) DEF-таҳлили тақлиф этилган (7-расм): *D гуруҳи* – юқори аҳамиятга эга даража бўлиб, ушбу контейнерларни сақлаш муддати 15 суткага етади; *E гуруҳи* – ўрта аҳамиятлилик даражаси бўлиб, ушбу контейнерларни сақлаш муддати 15 суткадан 30 суткагача бўлади; *F гуруҳи* – паст аҳамиятлилик даражаси, ушбу контейнерларни сақлаш муддати 30 суткадан ортади.




7-расм DEF-таҳлил бўйича контейнерларни зоналаш

Тақлиф этилган DEF-таҳлилининг мазмуни шундан иборатки, контейнерларнинг жуда кўп N сони, учта нимкўпик D , E ва F : $D \cup E \cap F = N$.


сонларга бўлинади. D гуруҳи, E ёки F гуруҳига кирмайди, яъни D, E ва F нимкўпликларнинг кесишуви нолга тенг: $D \cap E \cap F = 0$. Бундан:

$$\begin{aligned} D &= \{(N \setminus E) \setminus F\}; \\ E &= \{(N \setminus D) \setminus F\}; \\ F &= \{(N \setminus D) \setminus E\}. \end{aligned} \quad (6)$$

Контейнер терминалининг қайта ишлаш қобилиятини ошириш учун у ёки бу контейнерни божхона хизмати жойлаштирган “йўлак”ка боғлиқ ҳолда контейнерни баландлик бўйича жойлаштиришни кўзда тутадиган *GBYR*-таҳлили таклиф этилган (8-расм). Ушбу тамойил бўйича бўлиниши, контейнерларнинг жойини ўзгартириш харажатларининг камайишига имкон беради. Сўнгра иккита таҳлилни бирлаштириш йўли билан самарали ечимларни ишлаб чиқиш учун гуруҳлар шаклланади (9-расм).



8-расм. *GBYR*-таҳлил бўйича контейнерларни зоналаш



9-расм. *DEF* ва *GBYR*-таҳлили бўйича контейнерларни зоналаш

Таклиф этилган *DEF* ва *GBYR*-таҳлил усулларни комбинациялаш, кўп ишлатиладиган контейнер операцияларини камайтиришга ва қайта ишлаш қобилиятини оширишга йўналтирилган маълум рационал стратегияни қўллашга олиб келади.

Шунингдек, ушбу бобда контейнер терминалини такомиллаштириш бўйича техник-иқтисодий асослар ҳам келтирилган. Контейнер терминалларини ва терминал технологияларини такомиллаштиришдан бўлган иқтисодий самара, асосан майдонларнинг сигимини кўпайтиришдан иборат:

$$\mathcal{E}_{к.и.} = \Delta N_{конт} \cdot (\tau_{сак} - 1) \cdot S_{сак}, \text{ млн. сўм/йил} \quad (7)$$

бунда $\Delta N_{конт}$ – контейнер терминали сигимининг мавжуд ва таклиф этилган усуллари тафовути сабабли, бир йилда қўшимча контейнерлар сони; $S_{сак}$ – бир суткада контейнерларни сақлаш нархи, сўм; 1 – Ўзбекистон Республикаси Темир йўл низомининг 65-бандига мувофиқ контейнерларни

бепул сақлаш муддати.

Таклиф этилган технологияларни ва усулларни қўллаш натижасида техник жиҳозланишини ва юк оқимларининг кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд контейнер терминали учун йиллик иқтисодий самара 255 млн. сўмни ташкил этиши белгиланган. 103,5 млн. сум миқдордаги зарурий сармоя қилинганда, ушбу харажатлар фойдаланишнинг биринчи йилидаёқ ўзини оқлайди.

ХУЛОСА

Транспорт логистик тизимида контейнер терминаллари ва терминал технологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Контейнер терминалларининг сиғими уларнинг асосий параметрларидан бири бўлиб, терминалнинг қайта ишлаш қобилиятига ва транспорт турларининг рационал ҳамкорлигига таъсир кўрсатади. Олиб борилган тадқиқотлар терминаллар сиғимини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш заруратини кўрсатган. Натижада, контейнер терминаллари сиғимини ҳисоблашнинг мавжуд усулларини тўлдириш, аниқлаштириш ва унификациялаш ишларини бажариш имкони яратилади.

2. Контейнер терминали параметрларининг ўзаро боғлиқлигини тавсифловчи математик моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқилган. Мавжуд усул ва контейнер терминали параметрларининг боғлиқлигини баён этувчи ишлаб чиқилган математик моделлар турли шароитлардаги майдонларда жойлашган контейнерларнинг сонини 20% гача ошириш, контейнерларни терминалда қайта ишлашда логистика харажатларини камайтириш, даромадни орттириш ва транзит ташишларни кўпайтириш имконини берган.

3. Марк тасодифий жараёнларининг математик аппарати асосида терминал ичидаги транспортнинг зарурий сонини аниқлаш учун транспорт турлари ўзаро ҳамкорлигининг янги моделлари яратилган. Ушбу моделларни қўллаш юк қабул қилувчи-жўнатувчиларга кўрсатиладиган транспорт хизматларининг сифатини сезиларли даражада яхшилаш, логистика харажатларни камайтириш ва ортиш-тушириш машиналарини механизациялаш даражасини оширишга хизмат қилади.

4. DEF ва GBYR таҳлили асосида контейнер терминалининг қайта ишлаш қобилиятини ошириш усули ишлаб чиқилган. Ушбу усулни контейнер терминалига жорий этиш контейнерларни технологик участкаларда туриш вақти бўйича таснифлаш имконини беради. Шунингдек, транспорт жараёнидаги технологияга таъсир этувчи ортиқча контейнер операцияларини қисқартириш имкони пайдо бўлади.

5. Темир йўл транспортида контейнер терминалларининг сиғимини ва қайта ишлаш қобилиятини ва аниқлашга доир 4 та ЭҲМ учун дастурлар яратилган. Ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий таъминот мажмуаси нотўғри лойиҳавий ечимларнинг олдини олиш, контейнер терминалларининг оптимал сиғими ва қайта ишлаш қобилиятини аниқлаш жараёнларини

автоматлаштириш учун хизмат қилади.

6. Логистика объектларининг қайта ишлаш қобилиятини оширишга мўлжалланган Party Logistics моҳияти асосида контейнер терминалларининг таснифлари яратилган. Ушбу таснифлаш транспорт логистикасининг даражасини аниқлашга асосланади ва янги турдаги транспорт-омбор хизматларини ишлаб чиқишга хизмат қилади ҳамда мавжуд функцияларни технологик такомиллаштириш имконини беради.

7. Контейнер терминалларини ва терминал технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни қўллаш натижасида бир йилда битта контейнер терминали учун юк оқимларининг берилган қийматида 225 млн. сўм миқдорда иқтисодий самарадорлик баҳоланди. Таклиф этилаётган тавсияларни жорий қилиш, контейнер терминалларининг техник жиҳозланишини инобатга олган ҳолда, транспорт логистика тизимларида контейнерларни асосланган самарали қайта ишлаш ечимларини олиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

АБДУВАХИТОВ ШАХБОЗ РОВШАН УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНТЕЙНЕРНЫХ ТЕРМИНАЛОВ И
ТЕРМИНАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ТРАНСПОРТНЫХ
ЛОГИСТИЧЕСКИХ СИСТЕМАХ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/T1701.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Илесалиев Дауренбек Ихтиярович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Худайбергатов Кобилжон Тахирович
доктор технических наук, профессор

Мирхамидов Шухрат Шавкатович
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский институт по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог

Защита диссертации состоится « 10 » 07 2020 г. в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 при Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта. (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Адылходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта (регистрационный номер - 012). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Адылходжаева, 1. Тел.: (99871) 299-05-66).

Автореферат диссертации разослан « 03 » 07 2020 года.
(протокол реестра № 013 от « 03 » 07 2020 года).



А.И. Адилходжаев

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает развитие системы перевозок грузов в контейнерах и доставка этих грузопотоков в установленный нормативный срок через транзитные коридоры, а также совершенствование терминальных технологий логистических центров, оказывающие услуги контейнерам. В этом отношении в развитых странах таких как, Китай, США, Япония, Сингапур, Австралия, ОАЭ, Южная Корея, Нидерланды вследствие увеличения потребности в различных видах ресурсов, уделяется большое внимание совершенствованию мультимодальных технологий перевозки груза в контейнерах через море и сушу, различными видами транспорта. В этом аспекте уделяется особое внимание по эффективному использованию вместимости и перерабатывающей способности контейнерного терминала, а также совершенствованию технологий, выполняемых в терминалах при организации перевозок контейнеров по транзитным коридорам через сушу, обеспечивая при этом сохранность и безопасность движения.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по оптимизации вместимости контейнерных площадок и совершенствованию терминальных технологий на железнодорожном и автомобильном транспорте. В этом направлении, также считаются основными задачами создание математической модели вместимости и перерабатывающей способности площадки контейнерных терминалов в современных условиях, разработка методов определения параметрических рядов контейнерного терминала на основе типов погрузочно-разгрузочных машин для рациональной организации транспортного потока, при помощи теории графов с применением математического аппарата Марковских случайных процессов. Вместе с тем, основными задачами являются создание программного обеспечения расчета перерабатывающей способности контейнерных терминалов и оптимальных параметров терминальных технологий для разработки, организации и управления математических моделей рационального планирования транспортными потоками, а также разработка метода выбора параметров контейнерных терминалов.

В республике осуществляются мероприятия по развитию транспортной отрасли, в том числе по разработке новых видов технологий, упрощающих и осуществляющих контроль и управления различных видов технологических процессов грузовых перевозок в системе железной дороги. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указаны задачи, такие как, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое привлечение в производство энергосберегающих технологий, ...дальнейшее развитие дорожно-транспортной инфраструктуры, ...внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику,

социальную сферу, системы управления...»¹. Реализация задач по созданию автоматизированных методов определения рациональной вместимости и перерабатывающей способности терминальных площадей в зависимости от контейнеропотока является одной из важнейших задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законе Республики Узбекистан «О железнодорожном транспорте» (1999 г.), в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5099 от 30 июня 2017 года «О мерах по коренному улучшению условий для развития отрасли информационных технологий в республике», №УП-5349 от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-2313 от 6 марта 2015 года «О программе развития и модернизации инженерно-коммуникационной и дорожно-транспортной инфраструктуры на 2015-2019 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

